O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 июль чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 147 (2975)



Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги олдидан

«Яшил шаҳар» яшармоқда



Жаҳон шаҳарсозлик тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шаҳарнинг ЮНЕСКО қарорига кўра Бутунжаҳон ёдгорлик шаҳарлари рўйхатига киритилиши ҳам бежиз эмас. Бугунги кунда Шаҳрисабз — «Яшил шаҳар»даги тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари «Ўзбектаъмиршунослик» институти лойиҳалари асосида олиб бориляпти. Шаҳарнинг кўрки бўлиб турган Оқсарой, Дорут-тиловат, Дорусаодат каби мажмуаларни хоразмлик, чустлик, бухоролик, қўқонлик, самарқандлик моҳир усталар шаҳрисабзлик касбдошлари билан ҳамкорликда таъмирламоқдалар. Тўйга муносиб тўёна ҳозирламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: ёшараётган Дорут-тиловат мажмуаси; бухоролик усталар Исоқ Обиддинов ва Истам Жаъфаровлар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тошкентдаги "Орзу" чарматторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда.

Маҳаллий хомашёдан маҳсулот

Корхонада шу йил бошидан буён аёллар, эркаклар ва мактаб ўқувчилари учун маҳаллий хомашё асосида 500 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил спорт анжомлари тайёрланди. Илгари бундай маҳсулотларнинг аксарияти хориждан келтириларди.

Бугунги кунда жамоанинг асосий эътибори импорт ўрнини боса оладиган маҳсулот турларини янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Жумладан, жамият қошида ташкил этилган шўъба корхонада аҳоли талабига мос ана шундай буюмлар учун безак ва шакл яратишга киришилди.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВА (ЎзА).

Миллат соғлиғига масъулдир аёл

Онани эъзозлаш бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилатдир. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ.

Тарихий манбаларга кўра, бир пайтлар спарта деган халқ бўлган экан. Носоғлом ғўдак туғилса ё вояга етса, келгуси наслимизга зиён етказади, деб уларни тубсиз жарга улоқтиришаркан. Қурбон қилинган минглаб ғўдакларнинг уволига қолган бу халқ ер юзидан аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ахир инсон бир-бирини қириб ташлашга эмас, балки ўзўзини камолга етказишга муносибдир.

Эсимда, бир вақтлар таҳририятга олис қишлоқлик аёлдан мактуб келганди. «Кетма-кет уч фарзанд кўрдим, лекин уларнинг учаласи ҳам касалманд, – деб ёзган эди у. – Мен не-не табибу шифокорларга нажот истаб бордим, фойдаси бўлмади. Уларнинг ҳаммаси «Турмуш ўртоғингиз кўп ичармиди? Ёки қариндошмисизлар? Ҳомиладорликни ёмон ўтказганмидингиз?» дея қайта-қайта сўрашарди. Мен эса ҳаётимда бундай кўнгилсиз ҳолатлар бўлмаганини тушунтирардим. Шифокорлар ҳузуридан қайтгач, ўтган йилларда юз берган воқеа ёдимга тушди. Ўшанда биз аёллар далада ишлаётгандик, самолёт яқинлашаётганда қочишга улгуролмай қолдик. Устимизга муздек дори томчилари ёғилди. Шундан кейин кўп вақтлар жигарим оғриб, азоб берди. Дўхтирларга қатнаб даволандим. Сўнг бу нарса эсимдан ҳам чиқиб кетди. Хуллас, ана шу ҳодисани ўзимни сўроққа тутган табибу шифокорларга айтмабман. Балки болаларимнинг хастаҳол бўлиб қолишганига ўшандаги касаллигим сабаб бўлганмикин? Ўйлайману, ўйларимга жавоб тополмайман...»

Бундан анча йиллар илгари ёзилган бу мактуб кечаги кун аёлининг тиббий ва ижтимоий аҳволини ёдимизга солади. Қишлоқ аёлларининг аксарияти пестицид туфайли хасталангани, бу заҳарли модданинг ҳатто кўкрак сутига ҳам салбий таъсир ўтказгани, охирқибат болалар нимжон ва заиф бўла борганини унутиш мумкинми, ахир? Шаҳарда-чи? Завод ва фабрикаларда икки-уч сменалаб ишлаган, оғир ва енгил саноатда – сершовқин дасттоҳлар ёнида уззу кун тик туриб, чанг ютиб меҳнат қилган шаҳар аёлларининг ҳам соғлиғи ночор, кўпчилигининг фарзандлари қаровсиз, нимжон эмасмиди, ўшанда? Тўғри, биз кечаги кунларнинг барча соҳадаги ютуқларини, айниқса тиббиётдаги яхшиликларини тан олишимиз керак. Бироқ, миллат эртасини ва она-бола саломатлигини ўйлаб кўрсатилаётган ҳозирги ғамхўрликларни кечаги кунлар билан солиштирсак, эндиликда улкан имкониятларга эга эканлигимиз аён бўлади. Истиқлолга эришган онларимиздан бошлаб бу имконлардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили... Ушбу йилларнинг ҳар бири «Соғлом аёл – соғлом фарзанд – соғлом жамият» тизимининг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини тўлалигича белгилаб берди. Бугунги кунда тиббиётимиз олдида турган муаммолардан асосийси аёл саломатлигини бекаму кўст таъминлаш, шу йўсинда буткул соғлом жамият барпо этишдан иборат. Амалга оширилаётган барча эзгу ишлар шу улкан мақсадга қаратилган.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари асосида бола ҳали дунёга келмасидан илгарироқ унинг соғлиги ҳақида қайғуриш кўзда тутилади. Фарзанд кутаётган аёллар скрининг марказлари орқали оммавий текширилиб, дунёга келажак ғўдакларда ирсий касалликлар ва туғма нуқсонлар бор-йўқлиги аниқланади. Агар ҳомилада бирор хасталик аломати кузатилса, тезда даволаш ишлари бошлаб юборилади. Бордию муолажа қутилган натижани бермаслиги маълум бўлса, ҳомиладорлик тўхтатилади. Бундан ташқари, туғруқхоналар қошида туғруққа тайёрлаш ва ундан кейинги реабилитация бўлимлари ишлай бошлади. Энди чақалоқлар олдинги йиллардагидек ҳаётининг илк кунларида «бегона» аёлларнинг сутини эммайди, аксинча дунёга келиши биланоқ онаси бағрига узатилади. Шу йилнинг бошларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда «ҳар бир қишлоқ, туман ва шаҳарларда соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишни кучайтириш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича ҳар йилги комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва бажарилишининг мониторинги олиб борилишини назорат қилиш» кераклиги айтилган. Бунинг устига, жойларда она ва бола муҳофазаси муассасаларини қуриш, тиклаш ва тўла таъмирлаш учун неча-неча миллион сўмлаб маблағ сарфланаётир. Буларнинг ҳаммаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Хўш, шундай экан, бугунги Аёл миллат соғлигига масъул эканини тўла англаб етмоқдами? Бола тарбиясига ана шу масъулият ҳисси билан ёндашаётирми? Кучли ва навқирон миллатни дунёга келтирмоқ учун, аввало, ўзини асраши лозимлигини ҳар бир она тушуниб етадими? Мен республика Педиатрия илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Маҳмудова билан суҳбатлашганимда, шундай саволларни ўртага ташладим.

– Бу борада муаммолар кўп, – дейди у. – Лекин уларнинг ечими аёл маънавиятига ҳам боғлиқ-да. Аксарият аёлларимиз ҳомиладор бўлиш ва фарзанд туғилишини оддийгина ҳол деб биладилар. «Ҳеч қаерим оғримаса текширувдан ўтиб нима қиламан? Дўхтирлар

(Давоми 2-бетда).

ЖАВОҲИРЛАР МАСКАНИ

1-Гидрометаллургия заводи — Навоий конметаллургия комбинатининг йирик корхоналаридан бири. Бу ерда асосан таркибида олтин ва уран бўлган руда қайта ишланади.

Корхона мутахассислари комбинат марказий илмий тадқиқот лабораторияси билан ҳамкорликда жиддий изланишлар олиб бормоқда. Бу ҳамкорлик натижасида қўшимча тегирмон ишга туширилди ва таркибида олтин бўлган рудани қайта ишлаш ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Ана шу йўналишдаги ишлар давом эттирилаётир. Иккинчи технология — занжир ишга туширилгач, бу кўрсаткич янада ошади.

Маълумки, заводнинг олтин ажратиб олиш ускуналари Мурунтов кони рудаси ҳисобига ишлаётгани боис олтин таннархи анча қимматга тушяпти. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш устида ишлаётган мутахассислар Мурунтов конидан олинаётган рудани майдалаш ва шу йўл билан қайта ишлаш лойиҳасини тайёрлади. Айни кунларда лойиҳани амалга ошириш учун маблағ ажратилмоқда. Лойиҳа амалга ошса, олтин ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳисса кўпаяди ва таннархи анча пасаяди.

Завод муҳандислари, техник ходимлари ичимлик сувини тозалашда фойдаланиладиган сульфидли алюминий ишлаб чиқариш цехини ишга туширишни ўртага ташлади. Комбинатнинг бу маҳсулотга бўлган талаби 12 минг тоннани ташкил этади. Ҳозирги кунда сульфидли алюминий Қозоғистоннинг Павлодар шаҳридан валюта ҳисобига сотиб олинмоқда. Республикамиз корхоналарида ҳам шундай маҳсулотга эҳтиёж катта. Шунингдек, Канада, Хитой, Австралия, Бирма каби хорижий давлатлар ҳам сульфидли алюминийга талабгор.

1-Гидрометаллургия заводи жамоаси аллақачон ишга киришган.

Янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошлангач, ялпи маҳсулот чиқариш ҳажми 3 минг долларга кўпаяди. Шу билан биргаликда қўшимча ишчи ўринлари очилади.

Сульфидли алюминий ишлаб чиқаришда Ангрен кўмир конидан олинаётган каолин ва Навоий қурилиш бошқармаси майдалаш заводининг махсус қуми хомашё бўлиб хизмат қилади.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

Юзлари ёруғ бўлди



Шароф Рашидов туманида сўнгги йилларда ғаллачилик соҳасида оқсаш кузатилаётган эди. Туман ғаллакорлари қолоқликни бартараф этиш учун куз, қиш ва кўклам арафасида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилдилар. Минерал ўғит ва «шарбат»га тўйинган далаларни бегона ўтлардан тозалаш ишлари вақтида амалга оширилди.

Натижада эл хирмонига 30 минг тонна сара дон топширган туман ғаллакорлари вилоятда пешқадамлар сафида маррага етиб келдилар.

Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, давлатга яна 1000 тонна сара дон етказиб беришга аҳд қилишди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўқинг

Табиийки, собиқ директор бу лавозимда ишлашни хоҳламайди. Ҳақли равишда, ўзини камситилган ҳисоблайди. Аламзадалик ила мудир устидан "факт" тўплайди.

Текширув жараёнида салкам 140 литр спиртли ичимлик, 29 яшик бўш шиша, минглаб ёрлиқлар, сохта акциз маркалар, қопқоқлар ва қопқоқловчи мосламалар далилий ашё сифатида олинди.

2-бет

Тадбиркорлар, қўнғироқ қилинг: 132-10-65, 136-36-65.

3-бет

«Здрав-Плюс» Фарғонада

Фарғонада «Здрав-Плюс» лойиҳасини амалга ошириш доирасида ахборот маркази ишга туширилди. Марказнинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокимлиги, халқаро ривожланиш бўйича Америка агентлиги (ЮСАИД) ва «Здрав-Плюс» лойиҳаси вакиллари қатнашдилар.

Ахборот марказининг асосий мақсади аҳолини замонавий тиббий дори-дармонлар ва улардан фойдаланишга оид энг ишончли ахборотлар билан таъминлашдир.

«Туркистон-пресс».

ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДАМИ?

«Халқ сўзи» мухбирининг кичик бизнесга оид саволларига Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Нодир ХОНОВ жавоб беради

Долзарб мавзуда суҳбат

– Нодир Мақсудович, рухсатингиз билан суҳбатимизни ноанъанавий, яъни тадбиркорлик соҳасида ўтган йиллар мобайнида эришилган ютуқлардан эмас, балки бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳақидаги саволдан бошласак.

– Марҳамат, барча саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

– Маълумки, ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ҳар бир тадбиркор учун, албатта, бино керак. Тошкентда, масалан, тадбиркорларга сотиладиган бинонинг бир квадрат метри неча сўм туради? Умуман, бугунги кунда ишбилармонликка қизиқиш билдириб, ариза берган фуқароларнинг талабларини қондириш учун қанча квадрат метр офис ва ишлаб чиқариш майдонлари талаб этилади? Бу масалада пойтахтда аҳвол қандай?

– Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Тошкент ҳудудида жойлашган ҳар қандай бино ва ер майдони шаҳар ҳокимининг қарори асосида сотилади. Тегишли қарор чиққандан сўнг эса уларни республика Кўчмас мулк биржаси томонидан ташкил этилган «Кимошди» савдоси орқали харид қилиш мумкин. Тадбиркорларга сотилиши мўлжалланган ер ёки бинонинг нархига келсак, бу иншоотнинг жойлашган манзили, майдони, қандай қурилиш ашёларидан барпо этилгани, қурилган вақти ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу сабабли пойтахтда сотиладиган бино борки, бир квадрат метрининг қиймати ҳар хилдир. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 18 январдаги «Тошкент шаҳридаги маъмурий биноларга қўлланиладиган ижара ҳақида»ги 20-сонли қарорининг биринчи иловасига мувофиқ, савдо дўконларига бир йилда умумий майдонининг 1 квадрат метри учун тўланадиган ижара ҳақи 1500 сўм, ҳукумат қарорига асосан, 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи, нон маҳсулотлари ва китоб дўконларига 760 сўм этиб белгиланган. Умумий овқатланиш муассасалари учун бу ставканинг қиймати 920 сўм бўлса, ишлаб чиқариш биноларидан учун 220 сўм, биноларидан офис тариқасида фойдаланадиган корхоналар ва жисмоний шахслар учун эса 1650 сўмдир. Аниқроқ қилиб айтсак, хусусий тадбиркор Ф. Каримов ошхона сифатида фойдаланиш мақсадида Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчасидаги 54-уйдан 57,04 квадрат метр жойни ижарага олган эди. Унинг ижара ҳақи 257430 сўмга тўғри келди (Ҳисоблаш тартиби билан қизиққан киши қарорнинг 2-иловасига мурожаат қилиши мумкин). Ёки бўлмаса, Ҳамза тумани, «Лисунов-1«А» мавзесидаги 56-уйнинг 45,7 квадрат метри учун «Мафтунбек» хусусий фирмаси 501789 сўм ижара ҳақи тўлади. Ваҳоланки, ушбу фирма ҳам ана шу объектдан ошхона сифатида фойдаланмоқда. Кўриниб турибдики, ҳар иккала объект нархида катта фарқ бор. Бунда, юқорида айтилганидек, уларнинг жойлашган манзили, майдони ва бошқа омиллар ҳисобга олинган.

Шу ўринда бошловчи тадбиркорларга яна бир гапни айтиб ўтишни истардим: у ҳам бўлса, ҳозирги кунда шаҳримизда маҳаллий давлат идоралари томонидан ер майдонларини «Кимошди» савдоси орқали сотиш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг қулайлиги ва афзаллик жиҳатлари шуки, савдога қўйилган ер майдони тўлиқ лойиҳаолди ҳужжатларига эгадир. Агар ишбилармон уни харид қилиб олса, у ана шу ҳужжатларни расмийлаштириш, каттакичик бошлиқлар билан келишиш учун турли хил идораларнинг остоналарида сарғайиб ўтирмайди. Қисқа муддатда қурилиш ишларини бошлаш ва иншоотни фойдаланишга топширишга эришади.

«Бугунги кунда ишбилармонлик билан шуғулланишга аҳд қилиб, ариза берган фуқароларнинг талабини қондириш учун неча метр офис ва ишлаб чиқариш майдонлари талаб этилади?» деган саволимизга эса жавоб шу: бу тоифадаги одамлар кўплигини ҳисобга олиб, 2001 йил 1 ноябрга қадар мутахассисларимиз шаҳарда мавжуд бўш ётган маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларининг инвентаризациясини ниҳоясига етказди. Маълум бўлишича, шундай биноларнинг умумий майдони 1616 минг квадрат метрни ташкил этар экан. Унинг 168400 квадрат метри 500 нафардан ортиқ тадбиркорга тавсия этилиб, ижара шартномалари тузилди. Бу, албатта, уларнинг иш фаолиятини яхшилаш имконини берди.

Айни кунларда ҳам тадбиркорлар ва ташкилотлардан бино ва ер ажратиш ҳақидаги мурожаатлар келиб тушмоқда. Ҳокимлик томонидан бу мурожаатлар ижобий ҳал этилаяпти.

– Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 2 июндаги «Тошкент шаҳрида кичик транспорт ҳалқа йўлини очиш ҳақида»ги 297-сонли қарорига биноан, ўтган даврда бу борада пойтахтнинг барча ҳудудида жуда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари рўёбга чиқарилди. Бошқача айтганда, янги йўллар қурилиб, кўплаб кўприклар барпо қилинди. Булар бугунги кунда шаҳримизнинг кўркига-кўрк қўшиб, ҳамшаҳарларимизу меҳмонларимизни хушнуд этмоқда. Бироқ «Ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, қурилиш жараёнида ўнлаб тадбиркорлар ва ташкилотларга қарашли биноларни ҳам бузишга тўғри келди. Уларга янги жойлар берилдими?

– Ўша қарорда айни шу масала ҳам ҳисобга олинган эди. Шунинг учун бу ҳужжат талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлар ва ташкилотлар бузилиш рўйхатига тушган биноларнинг ўрнига-ўрин жой билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Қонунларимизнинг инсонпарварлик намойиши

Кеча пойтахтимиздаги Тошкент шаҳар суди биносида судья В. Шарипов раислигида очиқ суд жараёни бўлиб ўтди. Ҳимоячи, прокурор, халқ маслаҳатчилари, жамоатчилик, хориж ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу суд жараёнида Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек қўрғонида яшовчи, 1963 йилда туғилган Мушарраф Саидкаримовна Усмоновага нисбатан юритилган жиноий иш кўриб чиқилди.

М. Усмонова «Ҳизбут-таҳрир» диний-экстремистик оқими аёллар қанотининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича етакчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилганликда айбланган.

Суд жараёнида М. Усмонованинг айби тергов ва суд даврида тўпланган далил ва далилий ашёлар билан ўз тасдиғини топди. Суд уни барча жиноий қилмишлари учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ва жазо муддатини кучайтирилган режимдаги муассасаларда ўташга ҳукм қилди.

Аммо М. Усмонованинг ҳомиладорлиги, қарамоғида олти нафар фарзанди борлигини ҳисобга олиб, шунингдек, инсонпарварлик принципларига риоя қилган ҳолда ва раҳм-шафқат кўрсатиб, жиноий жазони либераллаштириш тўғрисидаги қонунчиликка кўра, унинг жазосини енгиллаштириб, шартли равишда икки йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди ҳамда судланувчини суд залидан озодликка чиқарди.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДАМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Сир эмас, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари шаҳарнинг турли кўчалари ва даҳаларида тарқоқ ҳолда, ўз билганларича фаолият кўрсатмоқда. Шу боис уларнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишда пассивлик қилаётганликлари яққол сезилиб қолаяпти. Жаҳон тажрибасида бунинг аксини кўрамиз. Сабаби – хорижий мамлакатларда ҳокимият ишбилармонларга бир неча гектардан иборат ерни бепул беради, тадбиркорлар бу жойда янги бино қурадилар ёки мавжуд қурилиши тугалланмаган биноларни тиклаб, эскиларини таъмирлайдилар. Натижада, қарабсизки, шаҳар ичида ажабтовур шаҳарча қад ростлаб, бу ерда қўплаб кичик корхоналар пайдо бўлади. Уларнинг мутасаддилари эса ижтимоий соҳада ўзаро бирлашиб, болалар боғчалари, соғломлаштириш майдонлари, сайилгоҳлар, кўнгилочар боғлар, умумий овқатланиш шохобчалари, ҳатто уй-жойлар бунёд қиладилар. Бу биз учун ҳам жуда муҳим. Тошкентда ушбу йўналишда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Тадбиркорларнинг турли ҳудудларда тарқоқ ҳолда, ўз билганларича ҳаракат қилаётганликлари бугун уларнинг ўзларига ҳам ёқмаяпти. Шунинг учун умуммақсаддан келиб чиқиб, шаҳримизда жойлашган «Биржасервисмарказ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раҳбарияти ўтган йили қурилиш ашёлари ва электр асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш-савдо соҳасидаги кичик ва ўрта корхоналарнинг мутасаддилари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг бошини қовуштирди. Бошқача айтганда, уларнинг хоҳиш-иродаларига кўра, Тошкентнинг «Хонобод» маҳалласида 56 та, Уста Ширин кўчасида 24 та майда улгуржи савдо дўконлари, шунингдек, бир неча кичик цехлар қурилиб, фойдаланишга топширилди, жамият қошида эса 50 ўринли ягона товар-хомашё бозори ташкил этилди. Айни пайтда яна 48 та савдо шохобчаси барпо этиляпти. Улар тадбиркорларга ижарага сотилади.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо-сотиқ расталари бир жойда жамланган мазкур манзилларни эндиликда одамлар «Тадбиркорларнинг гузарлари» деб атаётган экан, бу иборада асло муболаға йўқдир. Негаки, айни шу гузарлар шарофати туфайли хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқариш учун хомашё ва асбоб-ускуналар харид қилиш, тайёр маҳсулотларини сотиш, шунингдек, жойларда ижтимоий масалаларни ҳал этишда тадбиркорларнинг фаоллигини ошириш имкони яратилди.

Ушбу ишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олиб, шаҳар ҳокимлиги ўз навбатида «Биржасервизмарказ» акциядорлик жамиятига имтиёзли равишда катта майдондаги ерларни ажратиб берди. Гап шундаки, Президентнинг 1998 йил 3 декабрдаги «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2151-сонли фармойиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу асосда 1999 йил 14 январда қабул қилинган 20-сонли қарорга биноан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ер солиғидан озод қилинган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги «Импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 30 августдаги «Савдо корхоналарини ер ижара тўловидан озод қилиш ҳақида»ги 478-сонли қарорига кўра эса, савдо ташкилотлари ер ижара тўловини тўламайди.

Энди сиз тилга олган хориж тажрибасига тўхталсак, ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик ҳаракати узоқ йиллар мобайнида пайдо бўлгани, ҳозирга келиб, бу тизим тўлиқ шаклланган маълум. Бизда-чи? Биласиз, 10-12 йил аввал «Тадбиркор» деган атамани айрим идоралар-нинг ходимлари эшитиб қолса, лабига учуқ тошарди. Шунинг учун республикамиз раҳбарияти ва ҳукумати мустақиллиқнинг дастлабки йилларидан бошлаб биринчи навбатда асосий эътиборни кичик бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очиш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишларига шарт-шароитлар яратиб бериш масалаларига қаратди. Бу борада эндиликда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкентда ҳам етарли ишлар бажарилгани, муҳими, мулкдорлар синфи вужудга келганини ҳамма кўриб-билиб турибди.

Ўтган даврда биргина бизнинг шаҳримизда амалга оширилган барча қурилиш ишлари, хусусан, дўконлар, супермаркетлар, бозор инфратузилмаси ва муҳандислик иншоотларини барпо этиш учун ҳокимлик томонидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда ер майдонини сотишдан тушган маблағлар ҳам шаҳарни ободонлаштириш, муҳандислик тизими тармоқларини таъмирлаш ва янгиларини қуришга йўналтирилмоқда. Ушбу иншоотлардан эса барча аҳоли, шу жумладан, корхоналар ва тадбиркорлар ҳам фойдаланмоқдалар.

Шу билан бирга, пойтахтда чет элнинг замонавий савдо хизматини ташкил этиш тажрибасини ҳорий қилиш масаласи ҳам соҳа мутахассислари эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Яқинда улар бу тажрибани чуқур ўрганиб чиқиб, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда кўркам ва ихчам кўчма савдо шохобчалари қурган ҳолда кенг ассортиментдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни йўлга қўйиш бўйича ишларни бошлаб юбордилар. Ўйлаймизки, бу тадбир ҳам ҳамшаҳарларимизга манзур бўлади.

– Кейинги пайтларда хусусийлаштирилган кўпгина савдо нуқталари (айниқса, сут ва сут маҳсулотлари, болалар кийимлари дўконлари, парҳез таомлар ошхоналари) ўз фаолият йўналишларини ўзгартириб олди. Ҳозир айрим мавзеларда бундай ихтисослашган савдо корхоналарини топиш амримаҳолдир. Бу, табиийки, одамлар учун ноқулайлик туғдирмоқда. Бунинг сабаби нимада?

– Хабарингиз бор, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичида мамлакатимизда биринчи бўлиб айнан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, улар тўлиқ хусусийлаштирилганди. Ўшанда дўкон ёки ошхонанинг ихтисослигини ўзгартирмаслик бўйича уч томонлама шартнома ҳам тузилган эди. Бу шартноманинг муддати эса 2000 йилда тугади. Шу сабабли, сиз айтганингиздек, жуда кўп савдо корхоналарининг эгалари бозор муносабатларининг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, ўз фаолият турларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Бозор – бозор-да!

– Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш, яъни текширишлар сони расман камаймоқда. Бироқ, кузатилишича, уларнинг фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Бу, албатта, маълум даражада ишбилармонларнинг эркин ишлашларига салбий таъсир кўрсатаяпти. Бу хусусда Сиз нима дейсиз?

– Шаҳар аллия бошқармасидан маълум қилинишича, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 97 та шикоят ва ариза келиб тушган. Ҳозирча улардан 23 таси қонуний ҳал этилиб, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланган. Шу далилнинг ўзиёқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳолатлари мавжудлигини англатади. Демак, бу борадаги ишларни янада кучайтиришимиз лозим.

Бошқармада кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 162-92-42 рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилгани, у ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлашидан ҳамшаҳарларимиз хабардор, албатта. Буни яна бир карра эслатаётганлигимнинг боиси шуки, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига зарар етказилганини аниқлаш, уларни бартараф этишда айни шу восита қўл келмоқда. 2002 йилнинг ўтган ойлари ичида «Ишонч телефони» орқали 58 нафар шахснинг мурожаати қабул қилиб олиниб, шундан 29 нафарига тажрибали мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилгани, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилгани шундан далолат беради.

– Нима сабабдан тадбиркорлик субъектлари ҳар йили қайтадан рўйхатдан ўтказилади? Бу юмуш, ҳойнаҳой, бепул амалга оширилмайди. Пировардида эса ишбилармонларнинг анчагина маблағни йўқотишларига тўғри келмоқда. Шу ҳақдаги фикрингизни ҳам билмоқчийдик...

– Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 347-сонли қарори талабларига кўра, якка тартибда иш юритаётган тадбиркорларни қайтадан рўйхатга олиш уларнинг дастлабки пайтда ўз фаолиятларини қанча муддатга очиш ҳақида берган аризаларига қараб амалга оширилади. Айтайлик, ишбилармон ўзининг аризасида 1 йил муддатни кўрсаттан бўлса, у ана шу муддат тугаганидан сўнг қайта рўйхатдан ўтказилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган 41821 нафар тадбиркорнинг атиги 25,5 фоизи ўз фаолиятини бир йил муддатга очиб, иш юритаётган бўлса, 75 фоизининг муддати эса икки йил (25,2 фоиз), уч йил (16,3 фоиз), тўрт йил (15,6 фоиз) ва ундан кўп (17,3 фоиз) этиб белгиланган. Бундан англашиладики, узоқни кўзлаган тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтишда ортиқча маблағ сарф қилмайди, аниқроғи, аризада қанча кўп давр кўрсатилса, бу уларнинг қонуний ҳуқуқлари ижросини шунча кўп таъминлайди.

– Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш ва жой билан таъминлашда бирор-бир ўзгариш борми? Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан солиқ ва йиғимларни олишни тартибга солиш тўғрисида»ги 483-сонли қарорида тадбиркорларнинг фаолият юритиш жойларини чекламаслик, уларга кенг имкониятлар яратиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш даврида ҳокимиятлар томонидан махсус ажратилган жойларда фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилсин, деган талаб ҳам мавжуд. Ҳозирда жой тўғрисида алоҳида ҳужжатлар (қонунда белгиланган тартибда) талаб қилинмаяпти. Тадбиркорнинг ўз фаолиятини ўзига қулай жойда ва шароитда амалга ошириши масаласи эса ҳокимиятлар томонидан ҳал этилмоқда.

– Айрим тадбиркорлар доимо даромадини оширишга, шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ёки савдо-сотиқни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ишбилармонларнинг шундай бир тоифаси борки, улар маълум бир босқичга етиб, муайян миқдордаги маблағга эга бўлгач, даромадни қўпайтириш, янги иншоотлар қуришга унчалик қизиқмаяптилар. Сиз буни қандай баҳолайсиз?

– Мазкур масала юзасидан, аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ўз маблағи ва даромадини кўпайтириш ҳамда янги иншоотларни қуришни хоҳламайдиган тадбиркорлик субъектларининг сони кўп эмас. Лекин шундай корхоналар мавжуд экан, бунинг муайян сабаблари бор, албатта.

Бизнинг фикримизча, юқорида айтиб ўтилган тоифадаги тадбиркорларнинг аксарияти етарли даражада зарур иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий ва бошқа билимларга эга эмас. Ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олган фойдасидан тўғри фойдаланиш, уни самарали инвестиция қилиш, ўз бизнесини стратегик режалаштириш, маълумки, биринчи навбатда маълум билим ва тажрибани тақозо қилади.

Устига устак, ҳозирги пайтда рақобатнинг янада кучаяётгани, иқтидорли ва салоҳиятли тадбиркорларнинг кўпроқ чет эллик ҳамкорлари билан иш олиб бораётгани ҳам назарда тутилаётган тадбиркорлар зиммасига юқори талабларни қўймоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир кишини ташаббус, ташаббус ва яна ташаббус кўрсатиб ишлашга даъват этади. Бугун ўз маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдираётган, ҳатто жаҳонга чиқаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари энг илғор намояндаларининг тажрибаси бунинг тасдиғидир.

Суҳбатдош: Икром ЎТБОСАРОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу суҳбат тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бир неча муаммога бағишланган учун ҳам аҳамиятлидир. Буни ўқиган ҳар бир киши, албатта, ўзини ўйлантираётган саволларга жавоб топгандай бўлади. Ва ўз навбатида улар «Ие, Тошкент шаҳрида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини, хусусан, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамма ишлар жойида экан-да?!» дея таажжубга тушадиларки, бу ҳам ўринлидир. Чунки суҳбат жараёнида «Инвентаризация қилинган 1 миллион 616 минг квадрат метрлик бўш ётган биноларнинг 168400 квадрат метр саҳнли майдони шартнома асосида кимларга берилди, ижарачилар бу майдонлардан қандай фойдаланмоқдалар?», «Ер ва бино сўраб ҳокимиятга мурожаат қилган тадбиркорлар сони қанча? Нима учун айрим ишбилармонлар йиллар давомида навбатда турган бўлсалар-да, ер ёки бинони ололмаяптилар? Бу ҳеч кимга сир эмас-ку?», «Тошкент шаҳрида кичик транспорт ҳалқа йўлининг очилиши муносабати билан биноси бузилиш рўйхатига тушган тадбиркорга ўзига берилган янги жой маъқулми?», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашиш оқибатида жабр кўрган шундай тадбиркорлар борки, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ҳамон оворaю сарсон бўлиб юрганларига нима дейсиз?» каби бир қатор муаммолар эса очиқ қолгани шундоққина кўриниб турибди.

Шуларни ҳисобга олиб, биз айни шу масала – Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятининг ҳақиқий аҳволи юзасидан журналист суриштируви ўтказишни лозим, деб билдик.

Агар ишбилармонлар ушбу ишда бизга ёрдам беришни истасалар, таҳририятнинг қуйидаги рақамли телефонларига қўнғироқ қилишлари мумкин:

132-10-65, 136-36-65.

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари, "Ипак йўли энергетик миссияси" вакиллари делегацияси раҳбари Сэйкен Сугиура Тошкент давлат юридик институтига ташриф буюрди.

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЮРИДИК ИНСТИТУТДА

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Япония муносабатлари барча жабҳаларда, жумладан, фан ва таълим соҳаларида ҳам тобора кенгаймоқда. Хусусан, мазкур институт ҳам Японияннинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган йили Нагоя шаҳрида ўзбек ва япон олимлари ташаббуси билан йирик халқаро симпозиум ўтказилган бўлса, шундай анжуман жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтади.

Япониялик юксак мартабали меҳмоннинг институт профессор-ўқитувчилари билан учрашувида икки мамлакат ҳуқуқшунослари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 16 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбата қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	424,62
1 Англия фунт стерлинги	1176,36
1 Дания кронаси	101,37
1 БАА дирхами	206,13
1 АҚШ доллари	757,04
1 Миср фунти	163,86
1 Исландия кронаси	8,83
1 Канада доллари	494,80
1 Хитой юани	91,47
1 Малайзия ринггити	199,25
1 Польша злотийси	182,33
1 СДР	1006,52
1000 Туркия лираси	0,46
1 Швейцария франки	512,69
1 ЕВРО	752,95
10 Жанубий Корея вони	6,43
10 Япония иенаси	65,12
1 Россия рубли	23,99
1 Украина гривнаси	142,07

**(Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.)*

Миллат соғлиғига масъулдир аёл

(Давоми. Боши 1-бетда).

борку, боламни эсон-омон қўлимга оларман» деб ўйлайдиган оналар анчагина. Оқибатда, заиф ва ногирон болалар туғилиши давом этяпти. Баъзан ўйлайман. Нега бола туғма нуқсон билан дунёга келди? Ўтказилган тажрибаларга кўра, бу ҳолнинг сабабларидан биттаси қонқариндошлар ўртасидаги никоҳ. Қаранг, бир авлоднинг барпо этилиш жараёнида унинг қайсидир насл-лида бирор нуқсон бўлган, дейлик. Бу ҳақда шу авлоддаги икки жинс вакиллари – эркак ва аёл вужудида олдиндан генетик «маълумот» жамланади. Агар шу эркак ва аёл бир-бирига қариндош бўлишса-чи? Икковидаги бир хил генетик «маълумот» яхлитланиб, нуқсонли бола туғилиши учун шароит яратади. Улар ўзаро қариндош бўлмаган ҳолларда эса бундай «маълумот» бир томонлама эканлиги туфайли заифланиб, наслга путур етказмайди. Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ Қуръони каримда ҳам таъқиқланган. Бундай никоҳнинг яхши оқибатларга олиб келмаслигини тиббиёт фани аллақачон исботлаб берган. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашим керак. Гўдакнинг соғлом ўсиши ва илиги бақувват бўлишида она сутининг аҳамияти беқиёс. Буни ҳар бир ёш она билиши зарур. Институтимизда болани кўкрак сути билан боқишнинг ўнта тамойили ишлаб чиқилган. Менимча, мактаблардаги «Қизлар дарси»га фақат турмуш ва ҳунар билан боғлиқ суҳбатларни эмас, балки аёллар шифокорларининг маслаҳатларини ҳам киритиш лозим бўлади. Муҳими, ўсмир қизларни оилага, оналикка тайёрлаш зарур.

Шифокор ҳақ. Кўпчилик оналар бўй етган қизларини мўл-кўл сеп-сидирға билан узатиш орзусида юришади. Бу яхши. Лекин, балоғат остонасида турган бу қизнинг соғлиги қай даражада? У эрта-индин ўзи қуражак оиласида соғлом муҳит ярата оладими? Рўзғор тутиш санъатидан огоҳми? Оилавий бурчларини тўғри англайдими? Бордию фарзанд кўрса, уни тўғри тарбиялашга қодирми? Қиз ўстираётган она, аввало, ана шу масалаларга эътиборини қаратмоғи керак. Чунки, бола тарбиялаш шунчаки жўн иш эмас, балки ўта муҳим ва мураккаб вазифадир!

– Болаларнинг соғлом ўсиши соғлом жамиятни яратишга асос бўлади, – дейди Хоразм вилояти Гурлан туманидаги туғруқ мажмуининг бўлим мудири Орзигул Янгибоева суҳбатимиз давомида. – Айрим ёш оналар чақалоқлари йиғлаб безовталансагина дўхтир ҳузурига боришади. Бошқа вақтларда гўдакнинг аҳвол-руҳиятига эътибор беришмайди. Нега чақалоқ кам ухлаяпти? Вазни кун сайин ўзгаряптими? Нима учун тишлари кеч чиқди? Қачон қадам ташлайди? Қай ёшда тилга киради? Ёш оналар ана шу саволларга жавоб ахтариши, фарзандининг соғлиги хусусида доимо шифокор билан маслаҳатлашиб туриши лозим. Агар она ўзининг, оиласининг ва болаларининг соғломлигини таъминлаш орқали миллат генофондини ҳимоялаш мумкин эканини англаб етсагина, кутилган натижага эришиш осон кечади.

Аёлнинг тиббий маданияти, маънавий-маърифий савияси қай даражадалиги тарбияга ўз таъсирини ўтказади. Ўйлаб қарайлик, тиббиётимиз тобора равнақ топиб, жаҳон андозаларига мос равишда такомиллашаётган бўлсаю, оналаримиз оддий бир ҳолатни – болани тўғри тарбияламоқ учун оилада қандай муҳит зарурлигини тушуниб етишмаса, аянчли эмасми? Бола илк тарбияни хонадон шароитида олади, унинг қизиқиши, иқтидори, интилишлари ҳам шу масканда шаклланади. Ёшлигиданоқ билимга ўч ва меҳнатсевар бола аслида жисман соғлом ҳамдир. Аксинча, дангаса ва лаёқатсиз ўсган боланинг фикри ҳам носоғлом бўлади. Муҳими шундаки, тарбиянинг мана шу икки жиҳати боланинг эртанги кунини белгилайди. Шунинг учун ҳам ўтмиш донишмандлари айтганидек, аввало, «боланинг руҳини соғайтирмоқ лозим, негаки, бемор руҳ танани ҳам турли иллатларга дучор этади». Соғлом авлод яратишнинг ягона йўли болаларимизни ҳам руҳан, ҳам жисман тўғри тарбиялаш баробарида уларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари офатлардан асраб қолишдир. Бугунги кунда энг кўп учраётган камқонлик ва экстрагенитал хасталикларидан сақланиш учун оналар нималарни билишлари зарур? Дунёга келажак гўдакни хавфли экологик таъсирдан асраш кераклигини, ҳатто ҳомиладор аёлнинг ўзи ҳам руҳий зарбалардан йироқда бўлиши боланинг соғлом туғилишида муҳим эканини тушуниб етадими? Соғлом ҳаёт тарзи ёш авлод саломатлиги учун катта аҳамият касб этажаги бу кун ҳар бир аёлга аёнмикин? Она ва бола саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар, белгиланган дастурлар ҳамда ҳукуматимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларидан чекка қишлоқлардаги аёллар ҳам бохабарми? Соғлом авлодни дунёга келтириш учун улар яна нималарни билишлари лозим? Барча ҳудудларда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар, аҳоли ўртасида дастурий режага мувофиқ уюштирилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари мазмунан ана шу масалаларни қамраб олиши керак. Соғлом авлод яратилишига ҳисса қўшиш фақат шифокорларнинг эмас, балки юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг диққат-эътиборида туриши шарт, бизнингча, шу ўринда аёл саломатлигини муҳофаза этиш биринчи галдаги юмушларимиздан саналади. Чунки аёл – ҳаётнинг давомчиси, наслимиз фидойиси, шунингдек, миллат соғлиги учун масъул шахсдир. Биз оналарни асрасак, уларнинг соғ-омон ва кўркам бўлишларига имкон яратган бўламиз. Токи, аёл соғлом экан, миллатимиз кучли ва бақувват бўла боради. Аслида, бугунги замонавий тиббиётимиз олдидаги улкан вазифалардан бири ҳам шу.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Журналист суриштируви

ХИЁНАТ

У ошкор бўлгач, кимдир жуфтакни ростлади. Кимлардир ўз айбини хаспўшлаб, Алининг аламини Валидан олишга чоғланди. Ўртада бутун бошли жамоа иккига бўлиниб кетди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўтган йили шундоқ бўлди. Чиноза ҳеч кимнинг хаёлига келмаган фавқулодда ҳодиса рўй берди. Туман халқ таълими бўлими омборчиси Ихтиёр Маҳкамов кечириб бўлмас ножўя ишга қўл урди. Аниқроғи, Президентимизнинг мактаб остонасига илк бор қадам қўяётган кичкинтойларга аталган, ўн икки хил ўқув қуролидан иборат совғасига хиёнат қилди. "Таълим савдо" корхонасидан олинган олий нав дафтарларни тап тортмасдан арзон нархли ва сифатсиз дафтарларга алмаштириб қўйди. Сўнгра ими-жимида мактабларга тарқатди...

"Чиллаки чиллакини кўриб, чумак урар", "Қовун қовундан ис олар" деганлари бежиз эмас. Бунга ўхшаш ноҳушликлар бошқа жойларда ҳам такрорланади. Чунончи, Зангиота туманидаги 28, 29, Янгийўл шаҳридаги 6-мактабнинг 1-синф ўқувчиларига ажратилган ёзув ва расм дафтарлари ҳам эгаларига тўлиқ етказиб берилмайди. Оқибатда жами 68419 сўмлик камомадга йўл қўйилади.

Бу далиллар республика Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси билан бирга ўтказган текшириш жараёнида аён бўлади. Камомадлар айбдорлар ҳисобидан "Таълим савдо"га пул ўтқазиб, дафтар олиш воситасида қопланади. Бироқ мутасаддилар бу ҳақда бонг урмайдилар. Хиёнаткорларга жиддий жазо кўрмайдилар. Битьлакс, содир бўлган воқеага бамисоли иш юритувда тез-тез такрорланиб турадиган жузъий нуқсон сифатида қарайдилар. Таъбир жоиз бўлса, сихни ҳам, кабобни ҳам қуйдирмаслик пайида бўладилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Умаралиев шу муносабат билан 2001 йил 11 октябрда имзолаган 186-буйруқни ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам қатъий ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Негаки, унинг кириш қисмида текшириш якунлари атиги тўрт жумла орқали баён этилади. Кейин Чиноз, Зангиота туманлари, Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлимлари мудирларига совғалар эгаларига етиб боришини таъминлашда назоратни бўшаштириб юборганликлари йўл-йўлакай кўрсатиб ўтилади. Зиммаларига бу борадаги хатолар учун жавобгар шахсларга чора белгилаш вазифаси юклатилади. Қолганлар ҳам махсус ишчи гуруҳи тузиб, мазкур масалани қайта ўрганиб чиқиши, натижаси ҳақида ахборот бериши лозимлиги уқтирилади. Айни чоғда, Ихтиёр Маҳкамов сентябрь ойида ишдан бўшатилгани инобатга олинган эслатилади. Хуллас, ҳаммаси жойида, ҳаммаси силлиққина, тамом-вассалом!

Энди ҳангоманинг давомини эшитинг: буйруқда мактаблар янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга нечоғли тайёрлангани ҳам мухтасаргина ифодасини топганди. Тўртинчи бандда Чиноз туманида ХТБ мудири Абдумалик Жиенбоевга мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тадбирлар белгилаши, 13-мактаб директори Эргашбой Алдабековнинг ишда қолиш-қолмаслик масаласини ҳал қилиши даркорлиги кўрсатилганди. Афсуски, мудир бу топшириқлардан кейингисини муҳлатида бажармайди. Орадан роппа-роса 110 кун ўтиб, 2002 йилнинг 29 январига келганда эса, Алининг аламини Валидан олиш қабилида иш тутади. Юқоридаги гапни ўзгача талқин этган, боз устига, касаба уюшма қўмитаси розилигини олмаган ҳолда, Эргашбой Алдабеков билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади. Уни, ҳе йўқ, бе йўқ, гўёки ўн икки хил ўқув анжомларини тарқатишда хатога йўл қўйганликда айблайди. Шунга мувофиқ, директорликдан бўшатиб, мактабда меҳнат ўқитувчиси қилиб қолдириш ҳақида буйруқ имзолайди.

Қутилмаган янгиликдан 13-мактаб муаллимлари ҳайратга тушадилар. Қасаба уюшмаси бошчилигида ўз раҳбарлари ҳимоясига отланадилар. У беш йиллдан буён яхши ишлаб келаётгани боис бошқа директор тайинланишини зинҳор-базинҳор истамасликларини билдирадилар. Шошиб қолган мудир икки ҳафта бурунги буйруғини батамом унутади. Қандай бўлмасин, вазиятни юмшатишга интилади. Шахсий кўрсатмасига асосланиб, 5 февраль куни Э.Алдабековни ХТБ Давлат таълим стандарти мониторинг марказининг етакчи мутахассиси этиб тайинлайди.

Табиийки, собиқ директор бу лавозимда ишлашни хоҳламайди. Ҳақли равишда, ўзини камситилган ҳисоблайди. Аламзадалик ила мудир устидан "факт" тўплайди. Уларни қоғозга тушириб, тегишли ташкилотларга йўллайди. Қарангки, туман ҳокимининг фармойишига биноан, молия ва иқтисодиёт бўлимлари мутахассислари томонидан ўтказилган текширишда унинг даъволари қисман исботланади. Мана, айрим мисоллар: асл касби ҳисобчилик бўлган С.Расулов ростданам, ихтисослиги тўғри келмаса-да, 2001 йил сентябридан 2002 йил февралигача Давлат таълим стандарти мониторинг марказининг 1-тоифали мутахассиси вазифасида ишлаган. Мактабларни ва болалар боғчаларини таъмирлаш учун бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан ажратилган маблағлар баъзи ҳолларда ноўрин сарфланган. Айтайлик, 7-ўрта мактаб филиали қурилишига ХТБ орқали йўналтирилган бинокорлик ашёларидан умумий қиймати 154450 сўмлик қулф-калитлар, ром учбурчаклари, ошиқ-мошиқлар, эшик ва дераза тутқичлари, цемент етиб бормаган. "Аметов" хусусий корхонаси билан тузилган шартнома асосида келтирилган "ДВП" тахталар ва цемент ўша давр тижорат нархларига нисбатан ўта юқори баҳоларда харид қилинган. "ДВП"нинг донаси 6300, цементнинг тоннаси 26 минг сўмданга олинган. Бундан ташқари, ортда қолган ўқув йилида ХТБга қарашли таълим-тарбия муассасаларини жорий таъмирдан чиқариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бюджет маблағлари эвазига 14 миллион 900 минг сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Сармоя тўлиқ молиялаштириб берилган. Аммо ундан пала-партишларча фойдаланилган. Масалан, 23-болалар боғчаси ҳамда 46-мактаб томини эпақага келтириш мақсадида "Максимус" хусусий фирмаси билан жами 3,5 миллион сўм миқдорида шартномалар тузилган. Уларда кўрсатилган сармоянинг 15 фоизи бўнак тариқасида ижрочига олдиндан тўланиши белгиланган. Шундай эса-да, туман ХТБ маъмурияти ортиқча ҳотамтойлик қилган. Таъмирлаш юмушлари бошланган ҳамоно барча пулни гардкамига иккинчи томон ҳисоб рақамига ўтказиб қўя қолган. Ана, оқибати: "Максимус"чилар лафзларида туришмайди. Мажбуриятларини чала-чулпа бажариб жўнаворишади. Фирма раҳбари боғча мудирасига ҳам, мактаб директорига ҳам учрамайди. Бирортаям ҳужжатга қўл қўйдирмайди. Текширувчилар февраль ойи адоғида мазкур иншоотларга боришганида, томларга омонатгина ёпилган қора қоғозларни шамол қўтариб юборганини, шифтлардан чакка томчилаб турганини кўришади. Шунингдек, "Хуросон" хусусий фирмаси 40-мактабда 1 миллион сўмлик ўрнига 652 минг сўмлик иш бажарганининг гувоҳи бўлишади.

Айнан ўша кезлар туман прокуратураси Эргашбой

Солиқ тизимида нима гап?

ҚОНУНБУЗАРЛАР УЗОҚҚА БОРИШОЛМАДИ

Чуст шаҳар Меҳнатобод маҳалласида яшовчи Боқижон Содиқов билан Камарсада маҳалласилик Дилором Мадалиеванинг гаплари бир жойдан чиқиб қолди. Ҳаш-паш дегунча Боқижоннинг бостирмасида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқарувчи қўлбола цех пайдо бўлди.

Тадбиркорликнинг бу усули қонунга зид эканлигини эллик ёшни қоралаб қолган Боқижон ака яхши биларди. Маълумоти етарли, шаҳардаги Фирдавсий номли 4-мактабда хўжалик мудири бўлиб ишларди. Уй шароитида ишлаб чиқарилган пахта ёғи таркибида турли хил заҳарли кимёвий моддалар сақланиб қолишига ақли ҳам етарди. Унинг истеъмолга яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга киришганлигини Чуст туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари фош этдилар. Инспекция ходимлари А. Ғиёсов, А. Абдураззоқов ва Б. Ғанижонов томонидан ўтказилган текширув давомида цехдан бир дона мойжувоз, сотувга тахт қилиб қўйилган 40 килограмм ёғ, 2 дона электр кучайтиргич, 8400 сўмлик кунжара ва бошқа хил хомашёлар далилий ашё сифатида олинди. Сохта тадбиркорлар энди жазосиз қолмайди.

Сирдарё туман давлат солиқ инспекцияси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳам ҳамкорликда ҳаракат қилиб «Ҳақиқат» жамоа хўжалигидаги Махтумқули кўчаси 106-уйда истиқомат қилувчи фуқаро С. Сапарова ўз хонадонида қўлбола ароқ тайёрлаб сотаётганлигини аниқладилар.

Текширув жараёнида салкам 140 литр спиртли ичимлик, 29 яшик бўш шиша, минглаб ёрлиқлар, сохта акциз маркалар, қопқоқлар ва қопқоқловчи мосламалар далилий ашё сифатида олинди. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари З. Абдираманов, М. Камолов ва туман прокуратураси ҳузуридаги солиқка оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходими К. Нурматов ҳамкорликда ўтказган қисқа муддатли текширув ҳам навбатдаги қонунбузарликнинг олдини олди. Улар тумандаги марказий бозорда фуқаро А. Қурбонов бошқарувидаги «ЗИЛ» автомашинасида фуқаро К. Абдуллаевни ҳужжатсиз 1,3 миллион сўмлик 3920 шиша «Портвейн-53» виносини пуллаётган пайтида қўлга туширдилар. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Солиқ хизмати ходимлари бошқа соҳалар бўйича ҳам мунтазам назорат ишларини олиб бормоқдалар. Хусусан, Наманган вилояти Косонсой туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари А. Насриддинов ва Р. Йўлдошев «Истиқлол» савдо корхонасида ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётганлигини таҳлил этиб чиқдилар. Ҳозир корхонага тегишли 17 та савдо шохобчаси мавжуд. Биргина «Наврўз» хусусий дўконида кейинги икки йил давомида 6 миллион 40 минг сўмлик нақд пулли товар айланмаси бажарилди. Лекин шу пайттача дўконда назорат касса машинаси ўрнатилмаганлиги, савдо айланмаси усиз амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Корхона қошидаги «Корманд» хусусий дўконида ҳам шундай ҳолат намоён бўлди. Дўконда 2000-2001 йиллар давомида қарийб 6 миллион 361 минг сўмлик нақд пулли товар айланмаси бажарилган бўлишига қарамай улар назорат касса машинасидан ўтказилмаган эди. Чунки касса машинаси ўрнатилмаган эди. Текширувдан сўнг юқоридаги дўконлар фаолияти «Истиқлол» савдо корхонаси томонидан тўхтатилди. Тўпланган материаллар қонуний чора кўриш учун туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Самарқанд шаҳридаги «Коминтекс-А» масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконларида назорат касса машиналари бўлса ҳам лекин улардан фойдаланилмаётганлигини солиқчилар аниқладилар. Дўконларнинг бирига киришганида пештахта ёнида бегона шахс Фирдавс Насруллаев савдо қилиб турганини кўрдилар. У харидор Вадим Сайфутдиновга бир шиша «Самарқанд» арағини сотиб пулни назорат касса машинасидан ўтказмади. Бу ҳол солиқчилар шубҳасини янада оширди ва улар текширувни бироз чуқурлаштирдилар. Шунда дўкон мудири ва жамият раҳбари лавозимларини эгаллаб келаётган Дилшод Бадриев томонидан 715 минг 966 сўмга чек қоғози урилганлиги, лекин жамиятдан банк муассасасига 1 миллион 915 минг 50 сўм нақд пул топширилганлиги маълум бўлди. Ўртадаги чек урилмаган фарқ 1 миллион 199 минг 83 сўмни ташкил этаяпти. Бундай чалкашликлар тагида нималар борлигини чуқурроқ текшириш учун барча материаллар Боғишамол туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Афсуски, солиқ қонунчилигини билиб-билмай ёки қасддан бузиш ҳолатлари бошқа вилоятларда ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга қарши кураш қўламини янада кенгайтириш ва барча жойда қонун устуворлигини таъминлаш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Банк ва мижоз

МУҲИМИ — ЎЗАРО ИШОНЧ

— Халқимизнинг ҳар бир ҳикматли гапи, ҳар бир мақоли замирида ҳақиқат ётишига яна бир карра ишондим, — деди суҳбат чоғида "Замин" давлат-акциядорлик ипотека банки Бахт шаҳар бўлимининг бошлиғи Мансур Абдуллаев. — Исботми? Масалан, мижозларимиздан бири — "Мустафо" фермер хўжалигига уч йил муддатга ўн беш миллион сўм кредит ажратгандик. Ана шу кредит ёрдамида мазкур фермер хўжалиги соҳиби Фарҳод Ғоипов ўз орзусига эришди — "Олтой" тракторини харид қилди. Тунов куни яна ҳузуримга келибди. "Энди "Кейс" ҳайдов трактори сотиб олишимизга кўмаклашинг!" — дейди... "Тоққа чиққан чўққини кўзлар" деган мақолнинг тасдиғи шу эмасми, ахир?!

— Тоққа чиққанига ишончингиз комилми? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Ҳа, — дадил жавоб қайтаради банкир. — Чунки биз бераётган кредитларимиз тақдири билан қизиқамиз — уларнинг тўғри сарфланишини назорат қилиб, самараларини ўрганиб борамиз. Фарҳод Ғоипов чиндан-да зўр тадбиркор экан: ўз ерларини ҳайдаб олганидан ташқари ўша "Олтой" билан бошқа фермерларнинг ерларини ҳам ҳайдаб бериб, икки ой ичида ўзининг депозит ҳисоб рақамига беш миллион сўм маблағ тушириди. Эътибор беряпсизми, жуда қисқа муддатда олган кредитининг учдан бирини қоплайдиган маблағни топди! Яна "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасини ўн беш миллион сўм миқдорида қарздор қилиб қўйди. Ўн гектар ғаллазорининг ҳар гектаридан ўттиз беш центнердан ҳосил олиб бундан ҳам дурустгина даромад кўрди... Энди, боя айтганимдек, "Кейс" олишига ёрдам беришимизни сўраб турибди.

"Берган кредитларингни уч йилда эмас, шу йилнинг ўзидаёқ тўлайман" — дейди...

Биз "Заминбанк"нинг нафақат Бахт шаҳар бўлимида, балки Сирдарё вилояти бўлимида бўлган чоғимизда ҳам, бу молиявий муассаса жамоасининг мижозларидан, мижозларнинг эса банкдан хурсанд эканликларининг гувоҳи бўлдик. Шуни айтиб ўтиш керакки, унча катта бўлмаган Сирдарё вилоятида бугунги кунда ўндан зиёд банкларнинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Қизғин рақобат жараёнида ўз ишини давр талаблари даражасида ташкил этиб, мижозлар кўнглини "овлай" олган банккина ривожлана олиши барчага аён. "Заминбанк"нинг вилоят филиали ходимлари ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда ишламоқдалар ва табиийки, кутилган самараларга эришмоқдалар. Хусусан, мижозлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилганлиги боис уларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 январи ҳолатига кўра банк рўйхатида 827 мижоз турган бўлса, шу йилнинг 1 июлига келиб, уларнинг сони 887 нафарга етди.

Банкда мижозларга шу кун талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун моддий-техник база яратилган, хусусан, етарли миқдорда энг замонавий компьютерлар, алоқа воситалари сотиб олинган.

Маълумки, тадбиркорликни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бозор иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмасдан туриб, том маънодаги тараққиётга эришиб бўлмайди. Буни яхши тушунган "Заминбанк"нинг вилоят бўлими раҳбарияти кичик ва ўрта бизнес соҳасида иш юритаётган тадбиркорларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Буни молиявий кўрсаткичлар ҳам тасдиқлаб турибди. Мисол учун, кредит қўйилмалари жорий йилнинг 1 январи ҳолатига кўра, 184067 минг сўмни ташкил этган бўлса, мазкур йилнинг 1 июлига келиб 345052 минг сўмга етди. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар ҳажми мунтазам равишда ўсиб бораётир.

Банк айланма маблағларининг кўпайиб бораётганлиги, айниқса, ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўтган йили 283957 минг сўм кредит берилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида 208800 минг сўм кредит ажратилди.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, «Бизнес-фонд» ва «Бандлик фонди» билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойида Бизнес-фонд маблағи ҳисобидан 19 та хўжалик субъектига 18400 минг сўм, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маблағи ҳисобидан 2 та хўжалик субъектига 2000 минг сўм, Бандлик фонди маблағи ҳисобидан 4 мижозга 5200 минг сўм кредит ажратилди.

Банк мижозларининг асосий қисмини фермер хўжаликлари ташкил этади. Шу боис асосий эътибор уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. 32 та фермер хўжалигига берилган жами 55400 минг сўм кредитнинг 33150 минг сўми қишлоқ хўжалиги техникаси ва улар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга мўлжаллангандир.

Эътиборлиси, кредитлардан мақсадли фойдаланилмоқда, ўрнатилган мониторинг асосида кредитлар ва уларнинг фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда. 2002 йил 1 июль ҳолатига кўра, муддати ўтган кредитлар мавжуд эмас. Буларнинг барчаси банк ўз мижозлари ишончини қозонишга интилгани каби, мижозлар ҳам банк ишончига яраша фаолият юритишга ҳаракат қилаётганликларидан далолатдир.

Мухторали НОСИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Айни кунларда Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйига ҳар жабҳада тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаяпти. 2-болалар мусиқа мактаби ўқувчилари Қори Ёқубов номидаги республика болалар кўрик-танловида ғолиб бўлишган эди. Жумладан, бахши қизлар номинацияси бўйича Гулбаҳор Охунбётова биринчи ўринни эгаллаган. Ҳозирда у иштирок этаётган даста Нукуснинг катта тўйига ҳозирлик кўрмоқда.

СУРАТДА: Гулбаҳор дугонаси Феруза Ўтмишова билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Алдабековнинг аризасини ўрганиб чиқиб, ўқув анжомларини тарқатишдаги хатоларга унинг алоқаси йўқлигини аниқлайди. Шунга кўра, Абдумалик Жиенбоев чиқарган ноқонуний буйруққа протест киритади. Э. Алдабеков илтимосини қондириш талабини қўяди. Мудир-чи? Бу ишни, озмас-кўпмас, икки ой пайсалга солади. Ахийри бўлмайди. Олмани ҳар доим ҳам қўли узун одам узавермаслигини англаб етгач, шикоятчини эски лавозимига қайта тиклайди. Таассуфки, Эргашбой Алдабеков бу сафар ишини аввалгидек бемалол давом эттиролмайди. Сабаби оддийгина — вақт ўз таъсирини кўрсатган, мактабда муҳит ўзгарганди. Педагогик жамоа гуруҳларга бўлиниб кетганди. Яқин-яқингача уни мақтаб юрганларнинг муайян қисми сўнгги уч ой мобайнида директорлик қилган Маҳмуд Мажидовни ёқлаб чиқишади. Эргашбой Алдабековни эса билимсиз, маданиятсиз, мустақил фикрлай олмайдиган ва эгриқўл қисоблаб, шикоят битишади. Уни, ҳар эҳтимолга қарши, бешта ташкилотга жўнатишади.

Нимаям дердик? Икки хўроз хирмон титкиласа, ўз кирдикорини ўзи очади. Навбатдаги текшириш чоғи Эргашбойнинг ҳам хуфиёна қинғирликлари фош бўлади. Ишонмайсизми, марҳамат: у 2000-2001 ўқув йилида 11-синфни битирганлардан икки нафарининг шаҳодатномасига баҳоларни ошириб қўйишга бош-қош бўлган экан. Ва яна, мактабга умуман қатнамаган, имтиҳон топширмаган икки қиз номига ҳужжат тўлдириб, узоқ муддат пўлат сандиқда сақлаб келган экан. Бу масала 3 июнь куни ХТБ ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинади. Директор бетоблиги туфайли унда иштирок этмайди. Фурсатдан фойдаланиб, осонгина йўл танлайди. Ўз хоҳишига кўра, соғайиб чиққач, ишдан бўшатишларини сўраб ариза беради. Мажлис аҳли унинг истагини қаноатлантиришни лозим топади. Бошқа масъулларга ҳам чора кўради.

Эҳтимол, сиз шу билан ўзаро низо поёнига етгандир, деб ўйларсиз? Минг афсуски, йўқ! Буни мен Чиноздa бўлган пайтим яққол ҳис этдим. Абдумалик Жиенбоев ҳаяжонини яширолмайди. "Алдабеков директорликка нолойиқ. Муомаласи ўта қўпол. Қатъий назоратдаги ҳужжатлар билан ишлаш йўриқномасини бузган... Шу чоққача аяб келдим, энди ўзидан кўрсин!" дейди. Эргашбойнинг шашти ундандa баланд. "Совғалар алмаштириб қўйилгани, тўлиқ етказилмагани, таъмир пуллари елга совурилгани учун ким жавобгар? Ёки ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейдими? Мен бунинг тагига етмагунимча тинчимайман", дейди. Қисқаси, ҳар ким ўзиникини маъқуллаш-у, бир-бирини қоралаш билан овора. Бу иллат, адашмасам, 13-мактаб аҳлига ҳам юққан. Холисларнинг эса бошлари қотган. Ёз-ёзу, текшир-текширлардан юраклари безган.

Хўш, бу кетишда охири нима бўларкин? Таълим-тарбиянинг аҳволи қандай кечаркин? Ихтилофга ким сўнг нуқта қўяркин? Ўйлаймизки, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолмайди. Омма учун эса хиёнатнинг сабоғи муҳим. Халқимиз азалдан таълим-тарбия ўчоғи — мактабни Каъбага менгзаб келади. Президентимиз юрт келажагини ўйлаб, эзгу ниятлар билан мактабга қадам қўйган норасида фарзандларимизга бир умр эсда қолгулик совға юборса-ю, нафс йўлида виждонини йўқотган кимсалар унга хиёнат қилса! Шундай ҳолга пинагини ҳам бузмай, муроса қилиб келган амалдорлар ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Бу саволга Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва прокуратурасидан жавоб кутамиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
эълонлар
9.00 дан 18.00 гача
қабул қилинади.
Тел. факс: 136-09-25,
139-10-63
256 хона

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

«Олтин мерос»нинг савоб ишлари

Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими қаровсиз ва эътиборсиз қолган зиёратгоҳларни ободонлаштиришда ташаббус кўрсатаяпти. Жамғарма бундай қадамжолар тарихини ўрганиш, улар ҳақида китоблар чиқаришга жиддий киришган.

— Зиммамизга фахрли вазифа юклатилган, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Ёқубжон Ҳазратқулов. — Эътибордан четда қолаётган муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш ҳақида вилоят ҳокими томонидан қарор қабул қилингани айни муддао бўлди.

Тойлоқдаги Доромий, Бандикушо ота зиёратгоҳлари, Ургутнинг Чорчинорида Валихон эшон ва Қутбиддинхон эшон мақбараларини қайта тиклашда жамғарманинг ҳиссаси катта бўлди. Айни пайтда аждодларимизнинг муқаддас хоклари дафн этилган жойларни аниқлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззахда — отчопар

Дунё андозаларига мос бу улкан иншоот қарийб 80 гектарлик майдонни эгаллайди. Унинг 22 гектари бевосита ўйингоҳ (кўпкари, от спорти ўйинлари, машғулотлар майдони)ни ташкил этади. Томошабинлар учун 5 минг ўринли жой тайёрланаяпти.

Отчопар қурилишида вилоятдаги ўндан зиёд қурилиш ҳамда ободонлаштириш ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Бош пудратчи — «Жиззахчўлқурилиш» акциядорлик жамияти иншоотнинг биринчи навбатини мустақиллик байрамигача тугатишни режалаштиришган.

Ҳозиргача қурилишда 90 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Семинар иш бошлади

Кеча Тошкентдаги "Турон" кутубхонасида кутубхоначилик бўйича халқаро лойиҳаларда иштирок этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг очилди.

Уч кун бўладиган ўқув-семинар иштирокчилари маърифат масканлари ишида янгича услубларни қўллаш, ушбу тизимни янада такомиллаштиришга эътибор қаратишади. Унда халқаро ташкилотлар грантларида иштирок этиш ва шу ҳисобига кутубхоналарнинг моддий-техник базаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади.

Санжар УСМОНОВ.

"ТЕЗИНТОМ" ҚК БУЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАКДИР

TEZINTOM

"Тезинтом" қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида 1 июлдан 1-октябрга бўлган даврда ўз маҳсулотлари нархларини сезиларли даражада камайтирганлигини маълум қилади.

• МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР
• МЕТАЛЛНИ ТУРФА РАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ
• ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИФТЛАР ЧИҚАРИШ
• БАДИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР
• ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ - БЕЗАШ МАСАЛАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

ОВРУПА СИФАТИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муҳиддинов кўчаси, 1А уй.
Телефон: + (998-71) 162-42-74, 162-78-59, 162-42-47.
Факс: + (998-71) 162-41-05. E-mail: Тезинтом

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

"Lok Kolor Sintez" QK

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА

таклиф этади:

Лак-бўёқ маҳсулотлари

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Қурилиш эҳтиёжлари учун:
✓ уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
✓ ташқи деворлар учун бўёқлар;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид ва акрилат эмаллари;
✓ полларни бўяш учун бўёқлар;
✓ ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар;
✓ L 80,100,120мм.ли михлар;
✓ эмульсиявий,силикатли елим.

Саноат эҳтиёжлари учун:
✓ универсал алкид бўёқлари;
✓ том учун бўёқлар;
✓ алкид-уретан эмаллари;
✓ акрилат эмаллари;
✓ грунтовка ва шпатлевкалар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган

МР-3 русумли ЭЛЕКТРОДЛАР

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари

ИШ КИЙИМЛАРИ:
• узун енгли эркаклар иш костюми;
• калта енгли эркаклар иш костюми;
• эркаклар ярим комбинезони;
• аёллар ярим комбинезони;
• аёллар иш бермудалари;
• аёллар иш фартуклари;
• эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
• йўл хизмати ходимлари жилети;
• аёллар тиббий халати;
• эркаклар тиббий халати;
• эркаклар иш халати;
• ошпазлар курткаси;
• ошпазлар бош кийими;
• ички кийимлар;
• қўлқоплар,
шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
• кўрпа жилдлари;
• чойшаблар;
• турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;
шунингдек:
• дастурхонлар;
• дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
• ип газламали салфетка;
• 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru

Боқий қадрият

«Йўқтурур дунёда инсондин азиз...»

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, ўзининг дилкаш шеърлари билан ўзбек мумтоз адабиётига улкан ҳисса қўшган ажойиб истеъдодли шоира, мамлакатини обод ва маданиятли, халқини маърифатли кўришни орзу қилган давлат арбоби Моҳларойим — Нодира ўз адабий меросини Комила, Нодира, Макнуна тахаллусларида ёзган.

60-йиллардан бошлаб Наманганда шоиранинг Нодира тахаллуси билан ёзилган ўзбекча девони, Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидан Макнуна тахаллусида ёзилган форс-тожик шеърлари нашр этилган эди. Узоқ йиллик изланишлар натижасида 80-йилнинг охирларида Самарқандда истиқомат қилувчи Диёрий қўлида шоиранинг Комила девонининг қўлёзмаси борлиги аниқланганди.

Девон каттагина ҳажмда бўлиб, ундан ғазал, муҳаммас, мусаддас, мусамман, таркиббанд, таржиъбандлар, фироқномалар, Алишер Навоий ва Бедилга ёзилган мухаммаслар жой олган. Девон шоиранинг дебочаси билан очилади. Шоира ўзининг шарҳи ҳолини баён этар экан: «...Ишқу муҳаббат зумрасиға шомила ва шариат аҳкомида омила ал мулаққаб бил Комила андоғ баёни ҳол ва изҳори мофилбол этарким», деб ўқувчиларга мурожаат қилиб, ушбу девонга Комила тахаллусидаги шеърлари жамланганлигини баён этади. Девон атрофидаги ҳамнишин олима ва ҳамсуҳбат шоираларнинг илтимослари билан тузилганлигини қуйидагича ёзади:

«Ночор ул нодиратабь маъсумалар ва ул афифаи муҳтарамаларнинг савоб раъйиларин маъқул ва мақбул билиб, шеърларимни жамъ этмоққа иқдом кўргузуб, эҳтимом ва саъй тамом бирла ҳар баҳрини ўз маҳаллида сабт қилдим, тартиб бирла ҳар қайсиси ўз ерида марбут бўлинди. Шоядки аҳбоблар ва соҳибдил улул-албобларға манзури назар бўлуб дуои хайр бирла ёд қилғойлар. Ишқу ҳол зумраси шавқангиз ғазаллардин ҳаловат топиб, умиддурки, худо карамидин мағфират ва омурзиш тилагайлар. Мундоғ умидлар бирла ўз ҳолимға ярашур сўзлар айтуб авроқ юзларин саводға келтурдим ва мусаввадалар бирла саҳифаларни тўлдурдим.

Ё раб, бу савод
ишқда содиқ бўлғай
Иқбол баёзиға
мувофиқ бўлғай
Ишқ аҳлининг
хотири бўлуб хуш андин
Мақбули табиати
халойиқ бўлғай»,

деб шеърларини халойиқ табиатига мақбул бўлишига ишонч билдиради.

Шоира дебочасида ҳаёт йўлдоши Умархон Амирий билан ўтган илиқ оилавий ҳаёти, ижодий ҳамкорликлари ҳақида маълумотлар берар экан, Умархоннинг бевақт (35 ёшда) вафотидан сўнг Қўқон хонлиги тахтига ўтқазилган 14 яшар ўғли Муҳаммад Алихонга ҳомийлик қилиб олиб борган ижтимоий фаолиятини ҳам қисқача баён этади.

«Саййиду сиёдат, машоиху уламоларға туҳфалар юбориб уломаи дин ривожлариға имдод еткурдим, шаръи шариф ривож топди, зуҳд аҳлиға ихлос ва ақидатан зоҳир қилдим то дин ва миллат камол топди. Фазлу дониш қабиласиға шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздим, илм фан эътибор даражасида тараққий қилдилар. Ва жаворида мадрасаи файз-осор бино қилдим, тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом ва фуқароға орам еткурдим. Мамлакатларни обод ва мустамандлар кўнглиги шод қилдим. Масокин ва бенаволарға хайру эҳсонлар бирла баҳра еткурдим, карам ва эҳсон эшикидин ноумид юбормадим».

Биз Комила девонини илгари нашр этилган Нодира ва Макнуна девонлари билан қиёслаганимизда Нодира девонига кирган ўзбек тилидаги шеърларнинг ҳаммаси шу Комила девонидан қисқартирилиб олинганлиги маълум бўлди. Макнуна девонига ҳам Комила девонидаги 100 та форс-тожик шеърларидан 34 таси Макнуна тахаллуси билан киритилган экан.

Комила тахаллусидаги девон шоиранинг ижодкорлигида асосий ва таянч дафтари бўлиб, Нодира ва Макнуна тахаллуслари эса илм аҳли томонидан кейинчалик қўйилгандир.

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида шоира ўз қўли билан тартиб берган ушбу девон «Нодира-Комила» номи билан босмадан чиқди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Маҳбуба Қодирова нашрга тайёрлаган ва сўз боши ёзган. Академик Азиз Қаюмов масъул муҳаррирлик қилган.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нодира.
Рассом Чингиз АҲМАРОВ.

Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликни етиштириб, мўмай даромад қиламан дея юрган баъзи хом-хаёлларнинг қилмишларини ички ишлар идоралари ходимлари фош этаяптилар. Уларнинг иши эса маълум: пана-пастқам жойларда, ҳатто айримлари ўз томорқасида кўкнори ёхуд наша экиш билан шуғулланади.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

Томорқадаги антиқа экинлар

Фарғона водийсида ўтказилган тадбирлар давомида айрим фуқаролар ҳаттоки томорқаларидан ҳам нотўғри фойдаланишаётгани, тўғрироғи ҳовлиларида оғу ўстираётгани кузатилди. Жумладан: Андижоннинг Балиқчи туманидаги «Балиқчи» ширкат хўжалигида яшовчи Мухторжоннинг ҳовлиси холислар иштирокида кўздан кечирилганида 26 туп кўкнори ўсаётгани аниқланди. Шаҳрихонлик уч нафар фарзанднинг ота-оналари бўлмиш Миролим ва Адибаларнинг томорқасида ҳам 96 туп кўкнори кўкка бўй чўзиб турарди.

Шунингдек, мўмай даромад илинжида гиёҳвандлик моддаларини сақлаш, тарқатиш ва сотиш билан шуғулланаётган фуқароларнинг қилмишлари ҳам ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аёвсиз фош қилинаётир. Яқинда Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ўтказилган тадбирлар натижасида Тўлаган 0,25 грамм героинни самарқандлик Маҳмудга 16 минг сўмга сотаётган вақтида қўлга олинди. Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани «Фарғона» кўчасида яшовчи Ч. Ҳасан 196,7 грамм героинни Б. Толипга 110 минг сўмга пуллаётганида ушланди.

Яна бир мисол: Жиззах вилоятининг Мирзачўл туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида Гагарин кўчасида яшовчи фуқаро С. Владимирнинг уйидан 150 грамм марихуанна гиёҳвандлик моддаси топиб олинди.

Дарҳақиқат, бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, қонунбузарларнинг фойда кетидан қувиб топаётгани «жавобгарлик курсиси» эканлигини унутмаслик керак. Зеро, кишиларни заҳарлашга уринган, унинг соғлиғига путур етказмоқчи бўлган кимсаларга қонун ҳеч қачон шафқат қилмайди.

Мол ўғриси

Афсуски, ҳаётда кишиларга озор берувчи кимсалар ҳам учраб туради. Бу қўли эгриларнинг қилмишлари ҳам маълум: улар ўзларининг ножўя ҳаракатлари туфайли ўзгаларни қақшатиб кетишга уринаётир. Мисол тариқасида олсак, кеч кузнинг охирги кунларидан бирида нишонлик Шакар исмли шахсни мўмай даромад илинжи шунчалар ўртайдики, ҳатто бир-икки бош чорва молларини ўмарса ҳам қаноатланмай қўяди.

...Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Чўли ота ширкат хўжалиги ходими Авазқул туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, тунда номаълум шахс хўжаликда жойлашган қўй отаридан 47 бош қўй-қўзини ўғирлаб кетганлигини баён этган эди. Тузилган тезкор гуруҳ аъзолари жабрланувчига кўмак бериш мақсадида ишга киришадилар. Калаванинг учини топишдаги баъзи чалкашликлар ишнинг ҳадеганда очилишига бироз таъсир кўрсатиб турарди.

Бу вақтда эса Нишон туманида яшовчи 40 ёшли Т. Шакар мазкур ўғирлик очилмай қолишига умид боғлаб, ишни устамонлик билан дўндирганидан ўзича кўкрак кериб юрарди. Излар ёпилганига ишониб, ўмарилган қўйнинг тандир кабобини паққос тушириб, аччиққина чой ичиб, хаёл суриб ўтирган Т. Шакарни қўққисдан кимдир чақириб қолди. Сўнг икки табақали эшик очилиб, остонада милиция кийимидаги киши ва ёнида шериклари кўринди. Шундай қилиб, Шакарнинг қалтироқ қўлларига шу ерда кишан солинди...

Ҳа, ҳар қандай жиноят эртами кечми фош этилади. Айбдор эса қонун олдида қилмишига яраша жавоб беришини унутмаслиги керак.

Шерали АНВАРОВ,
ИИВ Матбуот маркази инспектори,
милиция лейтенанти.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадида 2002 йилнинг 10 июлидан янги «Тадбиркор» — қисқа муддатли омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари 30 кун муддатга қабул қилиниб,

- 200 000 сўмгача йиллик **28.0 фоиз;**
- 200 001 сўмдан 500 000 сўмгача йиллик **30.0 фоиз;**
- 500 001 сўмдан ортиқ бўлган пул маблағларига йиллик **34.0 фоиз** миқдорида даромад тўланади.

«Тадбиркор» омонатига пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари ва шоҳобчалари орқали қабул қилинади.

Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир!

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!

6066/1486

Акциядорлик тижорат «Пахта банк»ига тегишли бўлган серияси АА №0003001 дан АА №0003220 гача бўлган жами 220 дона ҳисоб-китоб чеклари йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.

Ҳурматли ёшлар!

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИГА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, университет академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичлари учун замон талабларига тўла жавоб берадиган юксак савияли педагогик кадрлар тайёрламоқда.

Университетимиз 2002/2003 ўқув йилида:
математика ва информатика; физика ва астрономия; кимё ва экология; биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги; география ва иқтисодий билим асослари; ўзбек тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти; корейс тили ва адабиёти; инглиз тили; немис тили; тарих; ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси; бошланғич таълим ва тарбиявий иш; педагогика ва психология; мактабгача таълим; дефектология; машинасозлик; агрономия; мусиқий таълим; чақириққача ҳарбий таълим; тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси; меҳнат таълими ва амалий санъат таълими йўналишлари бўйича келажакда ўз тақдирини таълим ва тарбия касби билан боғлашга қарор қилган 2345 нафар ёш йигит-қизни қабул этишга ҳозир бўлиб турибди.

Шунингдек, ўрта махсус маълумотга ва камида уч йиллик амалий педагогик стажига эга бўлганларга тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси; мусиқий таълим; бошланғич таълим ва тарбиявий иш; жисмоний тарбия ва жисмоний маданият ва меҳнат таълими йўналишлари бўйича махсус-сиртқи бўлим очилган ва 2002/2003 ўқув йили учун 738 нафар ёш йигит-қизни қабул қилишни режалаштирганмиз.

Бу билим даргоҳда талабаларнинг асосий касбига қўшимча равишда чет тили, компьютер техникаси, иқтисодиёт, ҳуқуқий билим асослари ҳам ўргатилади. Иқтидорли ёшлар учун махсус гуруҳ ўқишлари ташкил этилади. Уларга республика Истеъдод маркази, «Улуғбек» жамғармаси ва «Камолот» республика ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлик қилади. Илғор талабаларни «Умид» жамғармаси талабларига жавоб берадиган махсус дастур асосида қўшимча ўқитилиб, танловларда қатнашиш ва ғолиб сифатида уларнинг чет элларда ўқишларини давом эттиришлари учун барча шароитлар яратилади. Ҳамма талабалар стипендия билан таъминланиб, талабалар уйлари, кутубхоналар, ўқув лабораториялари ва устахоналаридан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Азиз ёшлар!
Умид қиламизки, замонамизнинг пешқадам ўқитувчиси бўлиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида сизларга яратилган катта имкониятлардан фойдаланасиз ва бизнинг университетимизга ўз ҳужжатларингизни тез кунларда келтириб топширасиз.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2002 йил 20 июлгача.

Марҳамат қилинг! Биз сизни кутмоқдамиз!
Сизнинг давлат тест синовларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичлар кўрсатишингиз тарафдоримиз!

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Телефон: 55-50-77.

6064/1514

«ЖИЗЗАХ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
очиқ акционерлик жамиятининг
2002 йил 4 июнда № Р 0472 рақами билан қайд этилган
ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ.

I. ЭМИТЕНТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР.
«Жиззах электр тармоқлари» очиқ акционерлик жамияти.
Манзили: Жиззах вил., Жиззах ш., Садовая к., 60-уй.

Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: Жиззах шаҳар ҳокимлиги томонидан 2002 йил 17 майда 453-сонли қарор билан рўйхатга олинган.

Ҳуқуқий мулк шакли: очиқ акционерлик жамияти.

Қайси вазирлик таркибига қарашли: «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва эмитентнинг ҳисоб ва бошқа рақамлари: Уйжойжамғармабанкнинг Жиззах вилоят бўлими, х/р 20210000000304459002, МФО 00122.

II. АКЦИЯЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШ ТАРТИБИ:
- устав фонди — 3252139000 сўм;
- акциялар сони — 3252139 дона;
- битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм;
- давлат улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар улуши — 51,0 фоиз;
- акциялар суммаси — 1658591000 сўм;
- акциялар сони — 1658591 дона;
- эркин савдо ва хорижий инвесторлар улушига ажратилган эгаси ёзилган оддий акциялар улуши — 49,0 фоиз;
- акциялар суммаси — 1593548000 сўм;
- акциялар сони — 1593548 дона.

Акцияларнинг чиқарилиш тартиби: 100 фоиз 3252139 дона 3252139,0 минг сўмлик акциялар нақдсиз /депозитарийларда сақлаш йўли билан/ сертификат кўринишда.

6062/1501

QUICK STOP
GROUP OF COS.

НАМБУМ

«QUICK STOP PAPER MILL»
«НАМБУМ» ЛТД .ҚҚ

Ўрамли, кенглиги 84 см. ва 42 см. бўлган юқори сифатли ксерокс ва офсет қоғози ишлаб чиқаради ва сотади.
Ҳар бир боғламда 500 варақдан бўлган А-3, А-4 ўлчамли, зичлиги 80 гр./м² қоғозлар:
А-3 — 8400 сўм, А-4 — 4200 сўм.
Шунингдек, ўқувчилар дафтарларини ишлаб чиқаради ва 1 донасини 45 сўмдан сотади.
Маҳсулотларимизни харид қилинг, Ўзбекистон ишлаб чиқарувчисини қўллаб-қувватланг!

Манзиллар:
Наманган шаҳри, «Қурувчилар» кўчаси, 50-уй.
Телефон: (369 22) 2-14-83, факс: (369 22) 2-69-35.
Тошкент шаҳри, Маҳатма Ганди кўчаси, 44-уй.
Телефон: 132-02-22, факс: 136-30-37.
Омбор манзили:
Тошкент шаҳри, «Проектная» кўчаси, 44-уй.
Телефон: 79-74-04, факс: 79-79-91.

5982/1362

САВОЛ БИЗДАН...

Баландлиги 50 метр, ёши саккиз асрдан зиёд тарихий минора қаерда эканлигини биласизми?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
Япония.
Бу ҳақда тошкентлик Н. Акбарова, З. Файзуллаева ва А. Садриддинов ҳамда жиззахлик С. Баратов хабар бердилар.

Элликқалъа тумани ҳокимлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, уруш ва меҳнат фахрийси
Қаландар БАЙНАЗАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ҳамда «Саховат» журнали бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят бош муҳаррири Темур Убайдуллога онаси
Манзура ая УБАЙДУЛЛО қизининг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси жамоаси компания бош директорининг биринчи ўринбосари Иркин Вагаповга онаси
Дилора ВАГАПОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мубораknефтгаз» конлар бошқармаси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Ўзбекгеонефтгазқазибчиқариш» акциoнерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Иркин Вагаповга волидаи муҳтарамаси
Дилора ВАГАПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 677, 28078 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Қ. ЭШМАТОВ.**
Навбатчи — **Ф. САНАЕВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20.
1 2 3 4 5 6